O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 87 (9.431) 2000 йил 24 июль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Олдимизда турган вазифалар ўта мураккаб ва долзарб. Уларни зудлик билан ҳал этиш лозим. Мен аминманки, биз бу муаммоларнинг ечимини топиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг изчил ва барқарор ўсиши, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш учун мустаҳкам пойдевор ярата оламиз.*

**Ислом КАРИМОВ**

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

*21 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари қатнашдилар.*



## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда маъруза қилди.

Юртбошимизнинг маърузасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида сезиларли ўзгаришлар рўй бергани қайд этилди. Жумладан, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, барқарор иқтисодий ўсиш кузатилди. Ўтган вақт мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 7,1 фоизга ўсди. Пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражаси 1,5 фоизга пасайди. Давлат бюджети 9,8 миллиард сўм профицит билан бажарилди. Экспорт ҳажми сезиларли даражада ошиб, ташқи савдо балансида 162 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг кўп ҳолларда деҳқонларгача етиб бормаётганини танқид қилди. Деҳқончиликда оила пудрати тобора кенг ёйилиб бораётган бўлса-да, хўжаликларнинг ички ҳисоб-китобида пудратчиларнинг меҳнати алоҳида қайд этилаётгани йўқ. Бу эса жойларда эскидан қолган текисчилик иллатларининг қайта юз кўрсатишига олиб келмоқда. Деҳқон ўзини ернинг тўла ҳуқуқли эгаси, деб ҳис қилиши ва меҳнати самарасидан тўла баҳраманд бўлиши даркор. Деҳқоннинг меҳнатини тўғри баҳоламаслик ва меҳнатига яраша ҳақ тўламаслик адолат тамойилларининг бузилишига, ислоҳотларни обрўсизлантиришга олиб келади.

Мамлакатимизда яхши ишлаб, фойда олаётган қишлоқ хўжалик ширкат корхоналари талайгина. Лекин уларнинг аксариятида пайчиларга дивиденд тўлаш масалалари ҳал этилмаган. Хўжалик ва пудратчилар, фермерлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятлари аксарият ҳолларда хўжалик раҳбарининг айби билан бажарилмай қолаётир. Бундай ҳолларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва адлия органлари ўз сўзини айтиши даркор. Ишлаб чиқариш билан банд бўлган кишилар қаршисида ҳеч қандай сунъий ғовлар бўлмаслиги керак. Шунингдек, давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархларидаги номутаносиблик масалаларига тўхталиб, бундай адолатсизликка барҳам беришнинг аллақачон вақти етди, деб таъкидлади. Бу йил қиш ва баҳорнинг нисбатан қуруқ келиши оқибатида қишлоқ хўжалик экинларини сув билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар рўй бермоқда. Айниқса, Амударёнинг қуйи оқимида — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сув танқислиги жиддий муаммо бўлиб турибди. "Биз қорақалпоқ ва хоразмлик деҳқонларни қийинчиликлар қаршисида ёлғиз ташлаб қўймаймиз, уларга қўлимиздан келган барча ёрдамни берамиз", деб таъкидлади Президент Ислом Каримов.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши кўп даражада банклар фаолиятига ҳам боғлиқ. Бу ўринда ўтган ярим йил давомида ижобий силжиш борлигини қайд этиш лозим. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз фаолиятини кенгайтириш учун банклардан кредит олиши кўпайди. Кўпгина юртдошларимиз банклардан микрокредит олиб, ўзларини иш билан таъмин этдилар. Лекин банклар аҳоли қўлида бўш турган маблағларни жалб этиш масаласига етарли эътибор бермаяпти. Банклардаги бундай маблағлар жами жамғарманинг бор-йўғи икки фоизини ташкил этиши ҳам шундан далолат бериб турибди. Ҳолбуки, бундай маблағлар ҳам иқтисодий ўсиш жараёнига сарф этилиши мумкин эди.

"Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугунги кунда биз учун ҳаётмамот масаласи, десак янглишмаймиз", деб таъкидлади Президентимиз.

Мажлисда хусусийлаштириш жараёнларига, айниқса, саноат корхоналари акцияларининг хорижий сармоядорларга сотилиши масаласига алоҳида эътибор берилди. Йирик саноат корхоналарини хориж сармояси кўмагида қайта таъмирлаш ва жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шу куннинг энг долзарб талаби экани қайд этилди. Бу масалага панжа орасидан қараш ҳолларига мутлақо чидаб бўлмайди. Айни пайтда, барқарор ишлаётган ва фойда келтираётган корхоналар арзон-гаровга четга сотиб юборилмаслиги даркор.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ў.Исмоилов, Бош вазир ўринбосари А.Исаев, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов, Адлия вазири А.Полвонзода, "Пахтабанк" бошқаруви раиси Ж.Сайфиддинов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В.Сигедин ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этдилар.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбири.**



**СУРАТЛАРДА: мажлис пайти.**

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар.**

## Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги йиғилишимизнинг бош мақсади — ўтган ярим йил мобайнидаги фаолиятимиз якунларини, қўлга киритган ютуқларимиз, йўл қўйган хато ва камчиликларимизни қатъий мезонлар асосида танқидий баҳолаб, йил охиригача олдимизда қандай вазифалар турганини белгилаб олишдан иборат, десам, ўйлайманки, бу фикрга қўшиласиз.

Биз Иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2000 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлисида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиққан эдик.

Бу дастурни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратишдан иборат.

Бинобарин, Ватанимиз ва халқимиз фаровонлиги ана шу стратегик вазифа ва белгиланган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда барчамизнинг изчиллигимиз ва қатъиятлигимизга боғлиқдир.

Жорий йилнинг ярим йиллик якунлари ҳақида гап борар экан, мен аввало мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги энг муҳим, ҳал қилувчи масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа — бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир.

Биз 1996 йилдан буён ҳар йили ялпи ички маҳсулот ўсишига эришиб келмоқдамиз. Бу кўрсаткич жорий йилда ҳам қарийб 3,8 фоизни ташкил этди. Бунга саноат ишлаб чиқаришининг янада ўсиши /6,2 фоиз/, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ошириш /7,1 фоиз/, чакана товар айланишининг кўпайиши /5,3 фоиз/, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми /14,7 фоиз/ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг /7,1 фоиз/ ортиши ҳисобидан эришилди.

Барчангизга маълум бўлиши керак: жорий йилда қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самарадорлиги яна бир қийинчиликка — сув танқислиги ва қурғоқчиликка дуч келди.

Бутун мамлакатимизда, энг аввало, Амударё ҳавзасида, айниқса, унинг қуйи ўзанида сув танқислиги билан боғлиқ кескин вазият юзага келди. Назорат ўлчовлари бўйича, дарёдаги сув ҳажми экинлар ривожланадиган даврда, июн-июл ойларида кейинги 5 йилдаги ўртача йиллик сув ҳажмининг 36 фоизини ташкил этди.

Оқибатда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятларнинг сув билан таъминланиши кескин камайди. 15 июлгача бўлган маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ишлари қатор туманларда экин майдонларининг атиги 60 фоизини ташкил этган.

Бунинг натижасида каттагина нобудгарчилик юз берди — бир қанча майдонлардаги ғалла ва ғўза ҳосилини йўқотдик. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам шундай зарар кўрди.

Қурғоқчилик туфайли аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва бошқа вилоятларнинг қишлоқ жойларида, ғоят ташвишли ҳолатни вужудга келтирмоқда.

Бундай вазиятда маҳаллий ҳокимият органлари сув танқислиги оқибатларини камайтириш юзасидан, биринчи галда, аҳоли яшаш жойларини, касалхона, мактабгача тарбия, даволаш ва соғломлаштириш муассасаларини узлуксиз равишда тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида тезкор чора-тадбирларни кўрмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси сув танқислиги оқибатларини тугатиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қарор қабул қилди. Қарорда мамлакатимизнинг зарар кўрган туманларига ёрдам кўрсатиш бўйича зарур бўлган чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Сув танқислиги ва қурғоқчиликка қарамасдан, бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача, яъни 20 июлгача тахминан 2 миллион 200 минг тонна ғалла тайёрланди. Бу — ўтган йилгидан 180 минг тонна кўпроқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик экин ҳисобланган пахта ҳам бу йил анча барвақт етилмоқда.

Ғалла етиштириш ва уни ўриб-йиғиштириш ишлари Хоразм, Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида яхши ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзингиз айтинг, бундан атиги бир неча йил аввал кўплаб хўжаликлар ва бутун бир туманлар бугунги кунга келиб гектаридан 60-70 центнердан ҳосил олишини тасаввур қила олармидик?

Бугун мамлакатимизда бошоқли дон экинлари етиштириш селекцияси ва агротехнологиясининг ўзига хос мактаби шаклланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. Шу саховатли заминимизда, меҳнаткаш халқимизга хос бўлган ғаллакорлик маҳорати, дон етиштиришга муносабатнинг кўп асрлик бой маданияти, қадимий анъаналари қайтадан тикланмоқда.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу юксак минбардан туриб, барча деҳқонларимизга, ҳеч муболағасиз айтганда, кучли сув танқислиги ва табиат инжиқликлари шароитида мардонавор меҳнат қилган, ерга меҳрини бериб мўл ҳосил етиштирган, мамлакатимиз аҳолисини нон билан таъминлаш йўлида заҳмат чеккан жамики юртдошларимизга бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу йил сабзавот, мева-чева ва полиз ҳосили ниҳоятда сероб бўлди. Худонинг ўзи бизга ана шундай мўл ҳосил ато этди.

Барчамизнинг бурчимиз — деҳқонларимизнинг пешона тери, ҳалол меҳнати эвазига етиштирилган бу ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Деҳқон ва фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотни тўла-тўкис сота олиши, уларнинг йил бўйи қилган меҳнати муносиб тақдирланиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш лозим.

Аввалambор, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, божхона идоралари, ички ишлар органлари, транспорт ташкилотлари раҳбарлари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган сабзавот, мева-чева ва полиз маҳсулотларининг янги ҳосилини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтиришга доир қарорнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга масъулдирлар.

Бу масалада ҳеч қандай ғов ва тўсиқ, қуруқ ваъзхонлик ва бюрократик тўсиқлар билан ишни пайсалга солиш ҳоллари бўлмаслиги керак. Бу масала устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимизда юритилаётган пул-кредит сиёсати ўзининг самарасини бермоқда. Ярим йиллик якунларига кўра, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йили 1,9 фоиз бўлган эди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик 36 фоиздан 24 фоизга камайди.

(Давоми 2-бетда).

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ —

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биринчи марта, йилнинг икки чораги мобайнида, давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан бир фоиз миқдорида ошириб бажарилди. Бошқача айтганда, бюджет даромадлари унинг харажатларига нисбатан 9 миллиард 800 миллион сўмга ортди.

Бунга эришганимизнинг сабаби фақатгина солиқ тизимини такомиллаштириш ва яхшилаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, солиққа тортиладиган базани кенгайтиришда эмас. Бу борада 2000 йил 1 январидан бошлаб жорий этилган бюджет харажатларини белгилаш ва молиялаштиришнинг янги меъёрий усуллари ҳам қўл келди.

Чунки улар корхона ва ташкилотларга ажратилган маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлайди.

Жорий йилда яна бир ижобий тамойил кўзга ташландики, уни мустаҳкамлаш лозим. Биз экспортга чиқарадиган асосий маҳсулотларнинг дунё бозорида Ўзбекистон учун фойдали бўлмаган нарх-наво конъюнктураси сақланиб қолаётганига қарамасдан, ярим йил мобайнида экспорт ҳажми анча ортди.

Бунинг натижасида ташқи савдо айланишида 160 миллион АҚШ долларидан зиёд ижобий сальдога эришилди.

Ўйлайманки, шу йил қабул қилинган экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни янада рағбатлантириш чора-тадбирларига доир ҳукумат қарори бу борада қўл келди. Шунинг учун имкон қадар кўпроқ қулай шарт-шароит яратиш борасидаги ишларни бундан буён ҳам давом эттириш даркор. Токи корхоналаримизда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва валюта ишлаб топишга бўлган доимий қизиқиш шакллансин.

Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастурини бажариш борасидаги фаолиятимиз ҳам ўз натижасини бермоқда. Хусусан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш соҳасидаги ишлар бирмунча фаоллашди.

Ярим йил мобайнида кўзда тутилган 91 та объект ўрнига амалда 113 та объект хусусийлаштирилди. Мана шу муддат давомида давлат мулкчилигидаги қарийб 800 миллион сўмлик 4 мингдан зиёд кўчмас мулк иншоотлари сотилди. Фонд бозорида 671 та хусусийлаштирилган корхонанинг 5 миллиард 200 миллион сўмлик акцияси сотилган.

Жорий йилда хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағ 7 миллиард сўмдан ошди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 2,6 баробар кўпдир. Хусусийлаштиришдан бюджетга тушадиган маблағ ҳажми анча кўпайди. Жорий йилда мамлакат бюджетига 2 миллиард сўмдан зиёд, маҳаллий бюджетларга эса 700 миллион сўм атрофида маблағ тушган.

Шу билан бирга, хусусийлаштириш борасидаги ишлар бизни қониқтира олмайди. Корхоналар акцияларини сотиш бўйича бўш ресурслар ҳали тўлиқ жалб этилмаган. "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзмашсаноат", "Ўзбекмебель", Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси корхоналарининг акцияларини сотиш муаммо бўлиб турибди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат ҳиссадорлик компанияси, Коммунал хизмат вазирлиги, "Ўзкимёсаноат" уюшмаси иншоотларини хусусийлаштириш жараёни суст бормоқда. Ярим йил мобайнида Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамияти, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, "Ўзметкомбинат" каби корхоналарнинг биророрта ҳам акцияси сотилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Хусусийлаштиришга тўсиқ бўлаётган сабаблар таҳлили шундан далолат берадики, корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш бўйича тайёргарлик ишлари суст олиб борилмоқда.

Кўпинча корхоналарни хусусийлаштирилгандан кейин қўллаб-қувватлашни кўзда тутадиган бизнес-планлар тузилмайди, улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш чоралари кўрилмайди. Аксарият корхона раҳбарларининг ўзлари ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш моҳиятини яхши тушунмайди, эски қолиплар билан яшайди. Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини фонд бозорида реклама қилиш ишлари ҳам қониқарли эмас.

Бунинг устига, айрим корхона раҳбарлари меҳнат жамоасининг бехабарлигидан фойдаланиб ёки уларнинг фикрини менсимай, акция пакетларининг анчагина қисмига ўзи эга бўлмоқда, қолган акцияларни эркин савдога чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Бундай ҳолатларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш жараёнида хорижий сармоядорларни жалб этиш борасидаги аҳволни, маълум даражада силжишга қарамасдан, қониқарли деб бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида 17 та ҳиссадорлик жамиятининг акция пакетлари 1 миллион 700 минг АҚШ доллари ва 1 миллиард 200 миллион сўмга сотилган. Корхонани сармоялаш шартлари билан эса 12 миллион 100 минг АҚШ доллари ва 1 миллиард 500 миллион сўмлик акция сотилган.

Шу билан бирга, хорижий сармояларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этишнинг бугунги миқёси, салоҳиятли инвесторлар билан иш олиб боришнинг ҳозирги даражаси, реклама ишларини ташкил этишнинг савияси бизни қониқтирмайди.

Хорижий сармоядорлар томонидан қизиқиш борлигига қарамай, индивидуал асосда хусусийлаштирилиши кўзда тутилган 13 та объектдан биронтаси ҳам ҳалигача хусусийлаштирилмаган. Ярим йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё, Наманган, Сирдарё, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида жойлашган ҳиссадорлик жамиятларининг биронта ҳам акцияси хорижий сармоядорларга сотилмаган.

Хусусийлаштирилиши кўзда тутилган корхона раҳбарларининг ўзлари ҳам бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаяпти. Қуруқ натижасиз музокаралар жараёни ҳаддан зиёд чўзиб юборилмоқда. Мен бундай ҳолнинг сабаби, биринчи галда, корхона раҳбарларининг хорижий сармоядор келиши билан ўзи учун қиладиган иш қолмаслигини ўйлаб қўрқишида, деб биламан.

Дастурда кўзда тутилган объектлар ёки акциялардан бирортасини ҳам хорижий сармоядорларга сотолмаган идоралар раҳбарларининг ишга муносабатига чидаб бўлмайди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзгўштсутсаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзбекмебель", "Ўзавтотранс", "Ўзкимёсаноат", Коммунал хизмат вазирлиги раҳбарларининг масалага бу қадар лоқайдлик билан қараётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Давлат мулк қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажмуалари билан бирга 2000 йилнинг хусусийлаштириш дастурига киритилган, лекин акциялари сотилмаган ҳар бир корхона бўйича атрофлича таҳлил ўтказсин ва тасдиқланган дастурларга мувофиқ, акцияларни жойлаштиришни жадаллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсин. Бажарилган ишлар ҳақида 9 ойлик якунлари бўйича ахборот берилсин.

Қадрли мажлис қатнашчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунларига бағишланган йиғилишида Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Давлат мулк қўмитаси, маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тижорат банкларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинган эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда бу соҳада маълум бир ўзгаришлар юз берди.

Биринчидан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Тадбиркорликни рағбатлантирувчи, уни кафолатлайдиган кучли тизим яратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар учун солиқ тўлов тизимига сезиларли даражада енгиллик киритилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисоб юритиш ва ҳисобот бериш тартиби қисқартирилди ва анча соддалаштирилди.

Иккинчидан, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш тизими яхшиланди. Тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини нақд ҳолда тижорат банкларидан олиш муаммоси деярли ҳал қилинди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари биринчи ярим йилликда 37 миллиард сўмни ташкил этди.

Бу — 1999 йил давомида ажратилган жами маблағдан ҳам кўп, демакдир.

Бу соҳани ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотлари йўналиши бўйича, жумладан, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва "КфВ банки" томонидан йил бошидан буён 62,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очилиб, 16,6 миллиони ўзлаштирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди ва амалга татбиқ этилди. Бу тадбиркорлик ривожи, айниқса, янги иш бошлаган тадбиркорлар фаолиятини кучайтиришда катта аҳамият касб этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорларга тижорат банклари томонидан 4 миллиард 100 миллион сўм миқдорида микрокредит берилди. Ўтган ярим йилда биргина Тошкент вилоятида тадбиркорларга умумий миқдори 805 миллион сўмлик 651 та микрокредит ажратилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ажратилган микрокредитларнинг 92 фоизи бевосита фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишга ёрдам бериш ишлари муайян даражада яхшиланиб бормоқда.

Товар-хомашё биржаси, майда-улгуржи савдо дўконлари ва бошқа савдо-таъминот тизими фаолияти сезиларли даражада жонланди. Ҳисобот даврида тадбиркорларга товар-хомашё ресурсларини сотиш ҳажми режадагидан қарийб 2,5 баробар ўсди, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган 12 миллиард 800 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар улар томонидан сотилди. Бу йиллик прогноз-кўрсаткичдан юқоридир.

"Ўзсавдомарказ"нинг Савдо-кўргазма маркази фойдаланишга топширилгани тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматнинг ҳажми ва сифатини янада оширишга ёрдам беради. Ушбу Марказ ҳудудида шу йилнинг 4 июлидан доимий фаолият юрита бошлаган кичик ва ўрта корхоналар учун зарур бўлган минитехнология ва асбоб-ускуналар савдо-кўргазмаси ҳам бу борадаги муҳим қадамдир. Мазкур савдо-кўргазмада 70 дан зиёд маҳаллий, 10 дан ортиқ хорижий ишлаб чиқарувчи ва таъминотчилар иштирок этмоқда.

Тўртинчидан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнес-инкубаторларининг иши анча фаоллашди. Жорий йилда улар томонидан 45 мингдан зиёд тадбиркорга хизмат кўрсатилди. Ўтган ҳисобот даврида бизнес-инкубаторлар тизимида 2 мингдан зиёд киши ўқитилди, 11 мингдан зиёд тадбиркор бозор шароитида ишлаш бўйича малака орттирди.

Бешинчидан, Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилгач, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига маҳаллий ҳокимият органлари ва назорат идораларининг асоссиз равишда аралашувидан ҳимоя қилиш ишлари ҳам жонланди.

Натижада текширувлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 фоизга камайди. Айниқса, асоссиз текширувлар ўтган ярим йил ичида қарийб 9 баробарга камайди. Бундай ноқонуний ҳолларга чек қўйиш, уларнинг пайини қирқишда барча текширувлар ҳақидаги ахборотлар қатъий тартибда қайд этиладиган Текширувлар китобининг жорий қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракати билан тадбиркорларга моддий ва маънавий зарар етказган назорат идораларида ишлайдиган 58 нафар мансабдор шахсдан, жумладан, солиқ тизимининг 35 ходимидан суд орқали 11 миллион сўм тўлов ундириб олинди.

Тадбиркорлар устидан қўзғатилган жиноий иш материалларини ўрганиш натижасида улардан 221 нафари оқланди. 68 шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм енгиллаштирилди. 31 нафар тадбиркорга нисбатан қўлланилган маъмурий ва молиявий жавобгарлик эса ноқонуний деб топилди.

Бу кўрилган муҳим чора-тадбирлар тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Фақатгина ҳисобот даврининг ўзида 18 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинди. Бугунги кунда уларнинг умумий сони 175 мингдан ортди. Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш ҳисобига 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислоҳотларнинг ўта муҳим соҳасида қўлга киритилган бу натижалар, авваламбор, тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўрта бизнесни эркинлаштириш натижаси, десак, асло хато бўлмайди.

Шу билан бирга, бу ютуқларга эришишда шу соҳага тегишли қонунчиликни эркинлаштириш, тадбиркорларга турли хил имтиёз ва имкониятларни, айниқса, банк соҳасида, яратиб берганимиз муҳим аҳамият касб этди. Албатта, бу борада эндигина ривож топиб келаётган бизнесга маъмурий ва бюрократик аралашувларнинг чекланиши ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди.

Яна бир бор шу фурсатдан фойдаланиб, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг, хусусан, қишлоқда фермер хўжаликларининг ривожланишига бевосита дахлдор шахсларга қарата шуни айтмоқчиман:

бизнинг ислоҳотлар йўлидан, халқимизга муносиб ва фаровон ҳаёт яратиш йўлидан олға юришимиз кўп жиҳатдан мана шу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг қанчалик юқори суръатда ривож топишига узвий боғлиқ. Барчамиз шу оддий ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олишимиз шарт.

Афсуски, ҳали мамлакатимизнинг кўпгина жойларида тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг, ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг ва аҳоли даромадлари манбаининг асосий омилига айланганини йўқ.

Айниқса, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига етарлича эътибор берилмаяпти.

Ўтказилган текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан тадбиркорларни рўйхатга олиш тартиблари бузилиши, аризаларни кўриб чиқишни пайсалга солиш, рўйхатга олиш жараёнида қонунда кўрсатилмаган қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш, тадбиркорлар маблағини ноқонуний тарзда бошқа мақсадларга жалб этиш ҳоллари барҳам топгани йўқ.

Айрим мансабдорлар томонидан тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сансоларлик, тўраларча муносабат кўринишлари ҳамон содир этилмоқда. Масалан, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани ҳокимлигида /ҳоким А.Абдусаидов/ "Асқар" фермер хўжалигининг рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаси олти ой мобайнида ҳам кўриб чиқилмаган. Фориш тумани ҳокимлигидаги /ҳоким С.Эшбоев/ аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Ушбу тумандаги "Серикбой" фермер хўжалиги икки ой кечиктирилиб рўйхатга олинган.

Минг афсуски, бундай ҳолатларга қарши тегишли ташкилотлар ҳам, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакилликлари ҳам тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларининг поймол қилинишига қарши бирон-бир амалий чора кўрмаган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шаҳар ва туманларда кўплаб бинолар бўш ётибди, маҳаллий ҳокимият органлари эса тадбиркорларга шарт-шароит яратиб бериш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига қўл қовуштириб ўтирибди. Улар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш биноларини, асбоб-ускуналари ва саноат корхоналарини тадбиркорларга ижарага осонликча беришмайди. Ижара шартномасининг бир йил муддатга тузилиши одат тусига кириб қолгани тадбиркорларнинг узоқни мўлжаллаб сармоя сарфлашига тўсқинлик қилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятига турли назорат идораларининг асоссиз равишда аралашиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Масалан, ҳисобот даврида Бухоро вилояти бўйича тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 51 та ариза тушган. Шундан 44 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал этилган.

Андижон, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари Текширувлар китобини жорий этишда расмиятчиликдан нарига ўтмаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ишлари суст олиб борилмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқларини, тадбиркорлар учун амалда қандай имтиёз ва кафолатлар мавжудлигини етарли даражада билмайди.

Мазкур камчиликларни қатъийлик билан бартараф этиш зарур. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик субъектларини солиқ ҳамда статистика органларида бир йўла рўйхатга олишнинг ягона тартибини ишлаб чиқишни тезлаштириш лозим.

Тадбиркорлар учун бозор конъюнктураси, мамлакатимизда ва хориждаги истиқболли ҳамкорлар, сармоядорлар тўғрисидаги керакли маълумотларни жамлаган ахборот базасини яратиш ишларини тезлаштириш зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари манфаатдор корхоналар билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган, барча хизмат кўрсатиш турлари билан таъминланган кичик технология ва асбоб-ускуналарнинг доимий фаолият кўрсатадиган савдо-кўргазмаларини ташкил этиш тажрибасини кенг қўллаши лозим.

Шу соҳада мавжуд бўлган, мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳукуматимиз /Ҳамидовга/, барча манфаатдор ташкилотлар иштирокида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини тайёрлашни топшириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиздаги ўзига хос шарт-шароит, яъни, аҳолининг аксарият қисми қишлоқ жойларида яшаши ва меҳнат қилиши, кўплаб тармоқ ва корхоналаримиз фаолияти эса бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқлигини инобатга олсак, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларни ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бериш нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Қисқача қилиб айтганда, кўп марта айтилган муҳим бир ҳақиқатни ҳар биримиз яхши англаб олишимиз ва кундалик ҳаётимизда ҳеч қачон хаёлимиздан чиқармаслигимиз даркор: деҳқон бой бўлган юрт доим бадавлат ва обод бўлур.

Қишлоқ ҳаётини юксалтириш ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг якка ва ягона йўли — бошлаган ислоҳотларни охиригача, пировард натижага етказиш. Бугун гап, авваламбор, бу соҳада қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ҳақида бораяпти.

Ҳозирги пайтда қишлоқда хўжалик юритишнинг асосий учта шакли қарор топмоқда. Булар — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчилари бўлган қишлоқ хўжалик кооперативлари, фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Хўжалик юритишнинг мана шу шаклларини амалиётга янада кенгроқ жорий этишдан асосий мақсад — қишлоқда аввало чинакам мулкдорларни, ерга, мулкка ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳақиқий эгалик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Ўтган вақт мобайнида 1 минг 424 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Жумладан, бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярмида 446 тани ташкил этди. 2000 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра, республикадаги қишлоқ хўжалиги корхоналари таркибида 598,5 мингта оилавий пудрат фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг асосий қисми чек усули билан ишламоқда.

Айни пайтда ширкатлар молиявий ҳисоб-китоб марказларининг иш юритиш савияси ҳам ортиб бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ширкатга айлантирилган хўжаликларнинг аксарияти самара билан ишламоқда. Ўтган йил якунлари бўйича уларнинг кўпчилигида пай эгаларига олинган соф фойда ҳисобидан дивидендлар тўланганини қувончли ҳол, албатта.

Шу билан бирга, айтиш жоизки, биз учун муҳим бўлган қишлоқдаги ислоҳотларни амалга оширишда расмиятчилик, палапартиш ҳамда ишга саводсизларча ёндашув ҳоллари кўплаб учрамоқда. Бу борада энг катта камчилик ва йўл қўяётган хатоимиз — хўжалик юритиш шаклларини ўзгартириш жараёни хўжаликнинг ички иқтисодий механизмини ўзгартирмасдан, такомиллаштирмасдан амалга оширилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг, у ким бўлишидан қатъи назар — ширкатми, фермер ёки деҳқон хўжалиги эгаси бўладими, ишлаб чиқаришда ва уни сотишда қатнашаётган бошқа ташкилотлар билан муносабати ҳали-ҳануз эскича, эски қолипда сақланиб қолмоқда.

Бу борадаги энг чидаб бўлмайдиган ҳолат — мансабдорлар томонидан йўл қўйилаётган ўта расмиятчилик, ислоҳотларнинг мақсадини, маъно-мазмунини, моҳиятини тушуниб етмаслигидир.

Бу борада бизга ўтмишдан мерос бўлиб келаётган "мендан кетгунча, эгасига етгунча" деган лоқайдлик иллатидан ҳанузгача халос бўла олмаяпмиз.

Мисол учун, амалда ҳар бир оилавий пудрат бўйича алоҳида ҳисоб-китоблар олиб борилиши шарт. Ҳар қайси пудратчининг даромади ва харажатлари тегишли ҳужжатларда кўрсатиб борилиши катта аҳамиятга эга.

Нега деганда, ҳар бир пудратчи ўзининг қанча меҳнат қилганини, қанча маблағ сарфлаганини, ижарага олинган майдондаги ҳақиқий ҳосилдорлик даражаси қанча бўлганини, шунга яраша даромад ёки соф фойда олганини, бинобарин, ўз меҳнати қанчалик тўғри ҳисоб-китоб қилинганини билмаса, айтиб қўяй, бизнинг қишлоқдаги ислоҳотлар тўғрисидаги барча гапларимиз, юксак чақириқларимиз қуруқ сафсатадан нари бормайди.

Бу ҳақиқатни ҳар биримиз — Президент, ҳоким, вазирдан тортиб то бригада бошлиғигача, оддий деҳқонгача яхши англаб олишимиз шарт.

Кўпчилик хўжаликларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш ўзгармасдан келаётир. Уларда бўлим ва бригадалар сақланиб қолган, наряд тузишлар давом этмоқда, ишга чиққан, чиқмаганликни қайд этиб борувчи табель ҳисоби юритилмоқда. Чекларни пудратчилар эмас, балки молиявий ҳисоб-китоб маркази бухгалтерлари ёки бригада бошлиқлари тўлдирмоқда.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардан бири, ички хўжалик шартномаларини тузишдаги хато ва камчиликлардир.

Томонларнинг шартномаларда кўзда тутилган мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги, жумладан, шартнома бузилган тақдирда жарима тўлаши аниқ кўрсатилмаган.

# ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

Аксарият хўжаликларда шартномаларни бажармаганлар жазосиз қолмоқда. Унинг нима сабабдан бажарилмагани таҳлил қилинмаяпти. Оқибатда, пудратчиликнинг бош тамойили — пировард натижа учун моддий жавобгарлик ва рағбатлантириш шарти бажарилмасдан қолаяпти.

Бу эса, охир-оқибатда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни обрўсизлантиришга олиб келади.

Яна бир бор шу ўта муҳим масала бўйича, яъни шартномаларни сифатли ва маълум қоидаларга риоя қилган ҳолда тузиш, бу шартномалар учун жавобгарликни жой-жойига қўйиш, аввало, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотларига топширилган эди. Бугун Адлия вазири Полвонзода бу масала бўйича жавоб бериши керак.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар ҳақида гапирганда, жойларда фермерларга билдирилаётган муносабат ва кўп жойларда давом этаётган тазйиқлар ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келмоқда.

Хўжаликларга хизмат қилувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш борасида фермерлар ҳақ-ҳуқуқини менсимаслик ҳоллари кўзга ташланмоқда.

Ҳали-ҳануз фермерларни минерал ўғитлар, ёнилғи ва мойлаш материаллари, махсус кимёвий дорилар билан таъминлаш механизми тўла-тўкис ишлаб чиқилмаган.

Юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларини ташкил этишнинг афзалликлари хусусида жойларда етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан бирга моддий-техника таъминоти хизматини жойларнинг, хўжаликларнинг ўзида ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари керак.

Бу чора-тадбирлар фермер ва деҳқон маҳсулотини бевосита у етиштирган жойдан сотиб оладиган тайёрлов-савдо идоралари тармоғини ривожлантиришни ҳам қамраб олиши лозим.

Азиз дўстлар!

Қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тизимида қишлоққа давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёрдам кўпгина йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Жаҳон бозоридаги нарх-наво конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва деҳқонлар даромадини кўпайтириш мақсадида асосан пахта ва бошоқли дон экинларининг харид нархлари ҳар йили қайта кўриб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга олдиндан маблағ ажратишнинг ягона тизими яратилиб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Молия вазирлиги қошида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳақ тўлайдиган махсус Жамғарма ташкил этилган. Бу етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоққа етказиб берилаётган ёнилғи-мойлаш материаллари, электр энергияси, минерал ўғитлар учун ҳисоб-китоб муаммосини тўла ечиш, деҳқонларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бу қишлоқ хўжалиги ишларини йил бўйи — уруғ қадашдан то ҳосил йиғиб олингунича — ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шарт-шароит яратди.

Зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш орқали уларга аниқ моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу, ўз навбатида, қисқа муддатда мазкур хўжаликларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини тиклаш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этиш, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини тартибга солиш, меъёридан ортиқча ишловчилар сонини камайтириш имконини бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, бугун олиб борилаётган қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати бу соҳага амалий ёрдам бериш билан бирга, аввало, ҳозиргача қишлоқда сақланиб қолаётган номутаносибликлар ва ўз номи билан айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги соҳасига нисбатан адолат мезонларини бузиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган.

У ҳақиқий пул-товар муносабатларини жорий этиш, замонавий ҳисоб-китоб тизимини йўлга қўйишни назарда тутади. Шу орқали хўжаликларнинг оёққа туришига кўмаклашади. Уларнинг барқарор ривожланиши учун зарур моддий воситаларга эга, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан бақувват бўлишига ёрдам беради.

Буларнинг ҳаммаси, пировард натижада, қишлоқда яшаётган деҳқонлар ва барча аҳолининг ҳаётини фаровон қилиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг таҳлилига якун ясар эканман, яна бир бор туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарларига мурожаат қилмоқчиман.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини юксалтириш, унумдорлик, ҳосилдорликни ошириш муаммолари фақат агротехника, наслчилик, уруғчилик масалаларига, деҳқончилик маданиятини оширишгагина боғлиқ эмас.

Бугунги кунда бизнинг бу масаладаги энг заиф жойимиз — ишни ташкил қилиш, меҳнатни рағбатлантириш билан белгиланади.

Қисқача айтганда, шу ҳақиқатни яна ва яна такрорлашга тўғри келади — қишлоқда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш борасида олиб бораётган ишларимизнинг самараси — кўп жиҳатдан ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ўзини том маънода хўжайин ва мулк эгаси деб ҳис қилишига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам сиз — раҳбарлар ва масъул ходимларнинг фаолиятингиз, сизнинг меҳнатингиз ягона мезон билан баҳоланади: бу жараённи, яъни қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнини кенг ва чуқур маънода қанчалик тўғри тушунаяпсиз, қандай ташкил этаяпсиз? Аввало, мана шу масала бўйича жавобгарсиз ва мен сизлардан биринчи навбатда мана шуни талаб қиламан.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Сизларнинг эътиборингизни яна бир масала — банк соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратмоқчиман. Бугунги кунда, ўтган йилларда тўпланган тажрибаларга таяниб шуни айтиш мумкинки, бозор иқтисодиётининг самарали фаолиятини замонавий, кенг тармоқли, техник жиҳатдан мукаммал банк-молия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Буни исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Мен бу тизимни бозор инфратузилмасининг асоси, бош таянчи, деган бўлур эдим.

Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банкларнинг ўз активларини ва устав фондини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитали орқасида ўз активларининг кўпайишидан, банкларнинг самарали ишлашидан, фойда кўришидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, банкларимизни, айниқса, тижорат банкларини иқтисодиётимизнинг тармоқларини ривожлантириш, уларни такомиллаштириш жараёнида, бошқача айтганда, иқтисодиётимизнинг таркибини ўзгартириш, замонавий талабларга жавоб бериши учун уларнинг инвестицион жараёнларда асосий роль ўйнаши — бугунги кунда банкларимизнинг бош мақсадига айланиши керак.

Банк тизими ислоҳотини шу нуқтаи назардан баҳоласак, айтиш лозимки, кейинги пайтда тижорат банкларига капитал ва аҳолининг бўш маблағларини жалб қилиш жараёни фаоллашди.

Бунда тижорат банкларига катта эркинликлар берилгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Марказий банкнинг бу борадаги ўрни ва аҳамияти ҳам ўзгариб бормоқда. Фақатгина биринчи ярим йилликда 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатлар бекор қилингани ўзининг ижобий натижаларини бераётгани шубҳасиз.

Натижада ўтган ярим йилликда тижорат банкларининг ўз капитали бир ярим баробарга ошди ва қарийб 300 миллиард сўмга етди. Буни банк соҳасида эришган энг катта ютуғимиз деб ҳисобласак, ҳеч хато бўлмайди. Уларнинг иқтисодиётнинг реал секторига кредитлар бериш имконияти анча ортди. Жорий йилнинг январ-июл ойларида бу кредитлар ҳажми 62 фоизга ошди ва қарийб 750 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк соҳасида ўзаро рақобат, мижозлар учун кураш аломатлари пайдо бўла бошлади. Бу, ўз навбатида, молиявий жиҳатдан барқарор, етарлича маблағга эга бўлган универсал тижорат банкларини шакллантириш заруратини туғдирмоқда, банкларнинг ихтиёрий равишда қўшилиб боришини тақозо этмоқда.

Масалан, ўтган даврда "Мева-сабзавотбанк" ва "Савдогарбанк" ўзаро бирлашди, "Наманганбанк" ва "Умарбанк" эса ихтиёрий равишда "Ипак йўли" банкига қўшилди.

Шу билан бирга, аҳоли томонидан қўйилаётган маблағлар банк активларини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатмаётганини ҳам таъкидламоқчиман. Бу маблағлар банк активларининг атиги 2 фоизини ташкил қилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Табиий, савол туғилади: банк хусусий мижоз билан ишламаса, унинг хусусий банклиги қаёкда қолди?

Марказий банк тижорат банклари билан ҳамкорликда аҳолининг бўш маблағларини депозитга жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган мукаммал стратегия ва кенг кўламдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиши зарур.

Шу мақсадда "Банкларда фуқароларнинг жамғармаларини ҳимоя қилиш ва омонатларни сир сақлаш кафолатлари тўғрисида" қонун лойиҳасини тайёрлашни тезлаштириш лозим.

Деярли барча тижорат банкларида махсус ташкил қилинган имтиёзли кредит бериш жамғармаларининг фаолияти алоҳида эътибор талаб қилади. Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш масаласи ҳам доимо диққат марказида бўлмоғи даркор.

Бугунги кунда банкларнинг олдида турган яна бир вазифа — мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнида ўз ўрнини топишдан иборат.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан хусусийлаштирилган корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозлари ва устав жамғармасига 53 миллиард сўмдан зиёд маблағ киритилди, Бу жараёнда "Пахтабанк", "Саноатбанк", "Алоқабанк" фаол иштирок этмоқда.

Қолган банклар бу жараённи ривожлантиришда алоҳида таклиф ёки уларга туртки беришни кутиб турибдими, деган савол туғилиши табиий деб ўйлайман.

Мамлакатимизда чет эл сармоялари иштирокидаги "ЎзДЭУбанк", "ЎТбанк", "АБН Амробанк", "Ўзприватбанк" каби қўшма банклар тармоғи фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда "Осиё тараққиёт банки", "Дойчебанк", "Чейзманхеттенбанк", "Кредит Свисс" каби 16 та машҳур халқаро ва хорижий банкларнинг ваколатхоналари очилган. Ҳозирги вақтда 17 та банкимиз дунёдаги энг нуфузли банклар билан корреспондентлик алоқалари ўрнатган.

Лекин катта ташқи иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистондек мамлакат учун бу жуда оз. Бугунги кунда мавжуд 32 та банкдан атиги 9 таси ташқи бозорда фаол ҳаракат қилмоқда.

Марказий банк барча манфаатдор банклар ҳамда тегишли молиявий тузилмалар билан бирга банк соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни яна бир бор кўриб чиқиб, 1 сентябргача зарур таклифларни Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисга тақдим этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдек муҳим масалага ғоят жиддий муносабатда бўлишимиз зарур. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига катта ваколат ва ҳуқуқлар бериш, уни Молия вазирлиги тасарруфидан чиқариб, мустақил идорага айлантириш бугунги кунда долзарб масалага айланмоқда.

Мазкур қўмита Ўзбекистон бозорида ҳақиқий, соғлом рақобат учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш, ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни вужудга келтиришда етакчи куч, мувофиқлаштирувчи марказ бўлиши керак.

Бу қўмитанинг бош вазифаси ғирром рақобатчиларнинг бозорда, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозорида якка ҳукмдор бўлиб олишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларига чек қўйишдан иборат бўлмоғи лозим.

Шундай тизим яратиш кераккки, у рағбатлантириш ва чеклашнинг барча воситаларидан фойдаланиб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган рақобат қонун-қоидаларига, умумэътироф этилган меъёр ва мезонларга сўзсиз амал қилишни таъминласин.

Бозорларимизда товарларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунча кўп маротаба қўлдан-қўлга ўтиб сотилишига чек қўядиган, асосийси, ана шу ҳолатдан манфаатдорликка барҳам берадиган товар-пул муносабатларининг маърифий тизимини жорий этиш биз учун айниқса муҳимдир.

Айнан шундай тизимнинг мавжуд эмаслиги бугунги кунда нархларнинг сунъий тарзда ўсиши, пировардида истеъмолчиларнинг манфаатларига путур етишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ўта муҳим вазифаларни бажариш учун қўмитага зарур ваколатлар бериш керак.

Гап бу ерда истеъмол бозорида фақат соғлом рақобат муҳити яратиш хусусида кетмаяпти.

Бугун биз ўз олдимизга вазифаларни кенгроқ кўламда қўйишимиз, яъни ёқилғи-энергетика мажмуида, темир йўл транспортида, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан боғлиқ соҳаларда ҳам ислоҳотларни чуқурлаштириш, монополиядан чиқариш масалаларини кўриб чиқишимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилидан келиб чиқиб, иқтисодиётни ислоҳ этишнинг биз учун ўта муҳим бўлган бу соҳасида ҳам жиддий ўзгаришларга киришмоғимиз шарт.

Агар биз шунга эриша олсак, бозор инфратузилмаси ва рақобат муҳитини яратиш жараёни тезлашади ва у ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий ҳаётига самарали таъсир этади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой ичида мамлакат бозоридаги монополист тузилмаларни монополиядан чиқариш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши зарур. Бу дастур ҳар томонлама пухта ўйланган, мамлакат иқтисодиёти манфаатларига мос бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Иқтисодий ислоҳотларнинг таҳлили яна ва яна шуни кўрсатмоқдаки, бу борадаги муваффақият асосан кадрларга, уларнинг малакаси, ислоҳотлар, бозор муносабатлари моҳиятини нечоғли идрок этишига боғлиқ.

Модомики шундай экан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини сўзсиз амалга ошириш бизнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифамиздир.

Дастурда 2000 йилгача 296 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қуриш кўзда тутилган. Уларнинг 187 таси шу йилнинг ўзида ишга тушиши керак. Хўш, амалда қандай бўлаяпти? Афсуски, йилнинг биринчи ярмида атиги 8 та объект ишга тушди.

Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, қурилишда иштирок этадиган пудратчи ташкилотларнинг раҳбарлари мавжуд барча ресурслар ва молиявий манбаларни сафарбар этиб, аввало, янги ўқув йилига мўлжаллаб коллеж ва лицейларни ишга туширишни таъминлашда ўз жавобгарлигини эсидан чиқармаслиги керак.

Бу борада ишга тушириладиган коллеж ва лицейларни жиҳозлаш, замонавий дарсликлар, ўқув қуроллари, лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Ҳозирги кунда зарур қўлланма, ўқув қуроллари харид қилиш учун Ўзбекистонга кредит ажратиш тўғрисида Корея ҳукумати ва Корея Эксимбанки, Япония ҳукумати, Осиё тараққиёт банки билан келишувларга эришилган.

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ваколатли банклар билан биргаликда бу борадаги барча масалалар ечимини жадаллаштириб, ишга туширилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига зарур асбоб-ускуналар етказиб бериш ва уларни жиҳозлаш тўғрисидаги шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаши зарур.

Ҳурматли ватандошлар!

Биз учун ўта долзарб бўлган муаммо, яъни ўз Ватани, халқига садоқатли, доимо олға интилиб яшайдиган, муносиб кадрлар тайёрлаш ҳақида гап борар экан, эътиборингизни ғоят муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

У ҳам бўлса, мамлакатимизда, айниқса, хорижда замонавий билим олаётган истеъдодли ёшларга масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш масаласидир.

Кадрларни ўз вақтида алмаштириш мураккаб, қийин бир иш эканини ҳаммамиз ҳам яхши тушунамиз.

Аммо сизу бизнинг билим ва ҳаётий тажрибамиз, энг муҳими, мамлакатимиз тараққиёти, фаровонлиги ва келажаги, шу заминда яшайдиган одамлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб беришдек олий мақсадимиз биз, раҳбарлардан мазкур жараённи, айниқса, жойларда ўз вақтида ва изчил амалга оширишни талаб этмоқда.

Бу – кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш бўйича давлат сиёсатимизнинг муҳим ва ҳал қилувчи бўғини бўлмоғи керак.

Шу муносабат билан Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари эътиборини ташкилий-кадрлар ишини йўлга қўйиш жойларда қандай аҳволда эканига қаратмоқчиман.

Келинглар, ўзимизга бир савол берайлик: жойларда кадрларни танлаш, тайёрлаш, кадрлар заҳирасини шакллантириш ва уларни жой-жойига тайинлаш масалаларига амалда ким жавоб беради? Бошқача айтганда, мана шу ўта мураккаб вазифаларни бажарувчиларнинг ўзи бугунги ҳаёт талабларига жавоб беришга қодирми?

Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳокимиятларда мана шу соҳа учун масъул бўлган ходимлар таркибининг ўзи, уларнинг савияси ва иш малакаси, тайёргарлиги аксарият ҳолларда оддий талабларга ҳам жавоб бермайди.

Бу вазифа курсисида асосан махсус тайёргарликка ҳам, махсус маълумотга ҳам эга бўлмаган одамлар ўтирибди. Уларнинг аксарияти ҳаётий тажрибага ҳам эга эмас.

Энг ачинарли томони — улар бу борадаги давлат сиёсатининг маъно-моҳиятига чуқур кириб боришга кўп ҳолларда қурби ҳам етмайдиган одамлар, десам, хато бўлмас.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар ва туман ҳокимликларидаги ташкилий-кадрлар гуруҳининг 211 раҳбаридан 105 таси мутахассислиги бўйича ўқитувчидир. Айни пайтда кўп жойларда мактабларимизда ўқитувчилар етишмаслигидан барчамиз хабардормиз.

Бундай ачинарли ҳолни мен фақат бир нарса — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари учун мана шундай шароитда ишлаш қулай экани билан изоҳлашим мумкин.

Ҳоким, раҳбарлар учун бу лавозимларда нима деса, гапни икки қилмай бажарадиган, жойлардаги кадрларни хоҳлаганча алмаштиришга халақит бермайдиган одамлар ўтиргани маъқул.

Бундай чидаб бўлмайдиган аҳволни тезда ўзгартириш лозим.

Ҳокимликлардаги ташкилий-кадрлар бўлимлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиб, уларнинг мақомини ахборот-таҳлил гуруҳи мақомига тенглаштириш, бўлим раҳбарларини эса ҳоким ўринбосарлари даражасига кўтариш зарур.

Эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир масала мавжуд. Бугун мамлакатимиздаги муайян бир олий ўқув юртини тамомлаётган ёш мутахассислар бўйича махсус маълумотлар банкини тузиш ва мониторингини, яъни кузатиш услубини амалга ошириш заруратити туғилмоқда.

Жумладан, бу хориждаги энг нуфузли университетларни тамомлаган ёки ўша ерда малака оширган ўғил-қизларимизга тааллуқлидир. Аввало, уларнинг ўз қобилияти, билим ва интилишларини рўёбга чиқаришда, Ватанига, халқига хизмат қилишда, наф келтиришда уларга жойларда қандай имкониятлар ва шароитлар туғдириб берилаётганини назорат қилиш – бу борадаги энг асосий вазифамиздир.

Бу ўринда сўз энг катта бойлигимиз — халқимизнинг, миллатимизнинг интеллектуал, ақл-заковат бойлиги, азиз фарзандларимизнинг тақдири ҳақида бормоқда.

Албатта, инсон тақдирини, барчамизнинг тақдиримизни Оллоҳ таоло ҳал қилади. Лекин биз давлат раҳбарлари бўлиб, масъул шахслар, аввалабмор, ота-оналар бўлиб, болаларимизнинг келажаги, тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйсак, уларга нисбатан хиёнат қилган бўламиз.

Шунинг учун республика ҳукумати қошида шу масала билан шуғулланадиган алоҳида марказ ташкил этсак, менимча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Сўзимнинг якунида ҳаммамиз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бир масалага тўхталмоқчиман.

Гап валюта бозорини эркинлаштириш чора-тадбирлари ҳақида бормоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш — ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш стратегиямизнинг асосий бўғинига айланмоқда.

Кейинги пайтда эркинлаштириш сиёсатини изчил ва пухта амалга оширишга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди. Биржадан ташқари валюта бозорининг салоҳияти бирмунча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Жорий йилнинг 1 майидан эътиборан валюта операцияларининг бутун бошли ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизими биржадан ташқари валюта курсларига ўтказилди. Бу эса биржадан ташқари курс билан Марказий банк курсининг амалда тенглашувига олиб келди.

Айни пайтда нарх-навонинг, биринчи навбатда ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига йўл қўймаслик учун савдо ташкилотларига солиқнинг бирмунча енгиллаштирилган, янги, имтиёзли тизими жорий этилди.

Ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотларга акциз белгилари бекор қилинди. Чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш пунктлари ишлай бошлади. Бу борада тижорат банкларимизнинг имкониятларини ошириш мақсадида тегишли чоралар кўрилмоқда. Сўнгги йилларда яратилган олтин-валюта захирамиз валюта-айирбошлаш операциялари билан мунтазам шуғулланишга ҳам имкон беради.

Марказий банк, Молия вазирлиги валюта бозорида рўй бераётган ўзгаришларнинг доимий мониторингини ташкил қилиши даркор. Биржадан ташқари валюта бозори, алмаштириш пунктлари фаолиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир таклифлар назорат остида бўлиши шарт.

Вазирлар Маҳкамаси ички бозоримизни, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан тўлдириш, шу билан бирга, четдан маҳсулот олиб келиш, республикамизда энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини тўғри йўлга қўйиш масаласини жиддий назорат қилиши даркор.

Энг муҳими, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, савдо ташкилотлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий савдо шаклларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришлари зарур.

Муҳтарам ватандошлар!

Олдимизда турган вазифалар ўта мураккаб ва долзарб. Уларни зудлик билан ҳал этиш лозим. Мен аминманки, биз бу муаммоларнинг ечимини топиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг изчил ва барқарор ўсиши, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш учун мустаҳкам пойдевор ярата оламиз.

2000 йилнинг биринчи ярми якуни бизнинг ўз мақсадларимизга эришиш учун ислоҳотлар йўлидан ишонч ва қатъият билан бораётганимизни кўрсатиб турибди.

Ана шу эзгу ниятларимизга эришишда барчангизга муваффақият, ишларингизга омадлар тилайман.

*Сидней — 2000*

# ЎЗБЕКИСТОН НОМИНИ ШАРАФЛАНГ

**Австралиянинг Сидней шаҳрида 15 сентябрдан 1 октябргача давом этадиган XXVII — ёзги Олимпия ўйинларида 202 мамлакат вакиллари спортнинг 38 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борадилар.**

— Мамлакат Олий Мажлиси иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида Юртбошимиз Сиднейда бўладиган Олимпиа ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини муносиб мукофотлаш ҳақида гапирганида, тўғриси ҳаяжондан энтикиб кетдик. Албатта бундай ғамхўрлик спортчиларни эртанги кундан кўнглини тўқ қилади, танлаган йўлига ишончини оширади, кучига куч қўшади.

— Беш қитъанинг мана-ман деган спортчилари орасида юртимиз фарзандлари шоҳсупага кўтарилса, байроғимиз ҳилпираб турса, мадҳиямиз янграса... Бундай лаҳзаларда вужудингни чулғаб оладиган қувончни, фахр-ифтихорни, ғурурни дунёнинг бирор-бир лаззатига қиёслаб бўлмайди. Бундай тотли, шуурли лаҳзалар ҳеч қачон ёдингдан чиқмайди. Ҳар эслаганингда ҳаяжондан энтикасан, қалбингда эзгу туйғулар жўш уради.

— Қайси спортчимиз ғолиб чиқишидан қатъи назар унинг исми-шарифи ёнида албатта «Ўзбекистон» сўзи бўлади, яъни спортчи ўз Ватани номи билан курашга тушади. Шу Ватан шон-шавкатини ҳимоя қилади. Шу Ватанда эса сизу биз яшаймиз. Демак, у сизу бизнинг шаънимизни ҳам ҳимоя этади, улуғлайди...

Олимпия ўйинларига йўлланма олган спортчиларимизнинг юқоридаги дил сўзлари Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги: **«Агар АҚШ заминида бирор-бир марта Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилса, узоқ Америкада Ўзбекистон мадҳияси янграса, билиб қўйинг: бутун халқимиз сиз билан бирга ғалаба нашидасини суради. Бутун аждодларимиз руҳи ҳам сиздан шод бўлажак!»** деган сўзлари билан ҳамоҳанг жаранглайди.

Диққатингизга ҳавола қилинаётган ушбу рўйхатда Олимпия ўйинларига йўлланма олган тошкентлик спортчилар билан танишасиз.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА бўйича:**

Абдувалиев Андрей, Войнов Сергей, Перепелова Любовь, Дмитриади Людмила, Хуббиева Гузель, Казакова Анна, Сенькина Наталья, Воробьева Ирина, Амирова Замира, Кобина Наталья, Хожателев Виталий, Устинов Виктор, Журавлёв Константин, Журавлёв Олег.

**ДЗЮДО бўйича:**

Тўраев Фарҳод, Богдасаров Армен, Тангриев Абдулло.

**ЎҚ ОТИШ бўйича:**

Мухторов Дилшод, Шахова Юлия.

**ТРАМПОЛИН бўйича:**

Хилько Екатерина.

**ЮНОН-РУМ КУРАШИ бўйича:**

Қурбонов Баҳодир, Орипов Дилшод, Ерофайлов Евгений, Витт Юрий, Биктяков Руслан.

**ЭРКИН КУРАШ бўйича:**

Очилов Атҳам, Захартдинов Дамир, Исламов Рамиль, Катинавасов Расул, Хинчагов Руслан.

**СУЗИШ бўйича:**

Начаев Рамиль, Пухнатий Олег, Бугакова Мария, Цуцкарев Дмитрий, Искандарова Саида.

**БОКС бўйича:**

Ёрбеков Дилшод.

**Ватанимиз спортчиларига Олимпиада ўйинларида бахт ва омад ёр бўлишига тилакдошмиз.**

*Мен кимман? Қандай одамман?*

# ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Ҳар бир одам тановул қилинган овқатларнинг калориясини ҳисоблаб, таомлар нисбати мутаносиблигини таъминлаш, ажойиб рецептлар тайёрлаш билан бирга ошқозоннинг саратон хасталиги нима-ю, юрак санчиши нима эканлигининг фаҳмига бора олади.**

**Тиббий ходимлар ҳам, руҳшунослар ҳам овқатлар тановулида меъёр бўлиши кераклигини таъкидлашади. Тўладан келган замонасининг оқилларидан бири Бенжамин Франклин шундай деганди: «Умуман олганда, таомни тайёрлаш усуллари яхшиланганидан бери инсоният табиат талабига қараганда икки ҳисса кўп овқат ейди». Қуйидаги тест сизнинг умуман овқатланишга ва хусусан меъёрга риоя қилишга бўлган муносабатингизни аниқлаб олишга ёрдам беради.**

Сўровларга Ҳа ёки Йўқ дея жавоб беринг.

1. Суякларингиз таркиби ва бўйингиз ҳисобга олиниб тавсия этиладиган вазндан сизнинг оғирлигингиз 5 килограммдан кўпроқ ошиб кетганми?

2. Сиз одатда овқатни ҳаммадан олдин еб бўласизми?

3. Сиз камдан-кам нонушта қиласизми?

4. Сиз тўғри овқатланиш меъёрларига қарийб эътибор қилмай, нимани кўнглингиз тусаса шуни ейсизми?

5. Овқатланиш вақтлари оралиғида бир дона шоколад, пишлоқ ёки бир стакан қандайдир ичимликни истеъмол қилишдан ўзингизни тия оласизми?

6. Таом еяётганда суюқликлар билан қўшиб истеъмол қиласизми?

7. Ётишдан олдин яхшилаб тўйиб овқатланиш фақат уйқуни яхшилайди, деб ҳисоблайсизми?

8. Овқатни икки ҳисса ейишдан бош тортмайсизми?

9. Нотаниш таомлар ёки бошқа халқларнинг миллий овқатларини яхши кўрасизми?

10. Сиз тақсимчадаги овқатни еб қўя қолиш ўрнига, уни қошиқ билан титкилайверасизми?

11. Агар шифокорлар муайян таомлар ва ичимликлар сизнинг соғлиғингиз учун зарарли деса, ўшанда ҳам кўнглингиз тусаган пайтлари уларни истеъмол қилаверармидингиз?

Жавоблар:

Ҳар бир «Йўқ» деган жавоб учун 1-11 сўровлар бўйича 1 балл берилади.

1, 2, 4 ва 6 саволлар овқатланишдаги умумий одатларга даҳлдор. 3 ва 10 саволлар сиз таомни танлашингиз ёки унинг турига бефарқлигингизни билдиради. 5, 7, 8 ва 11 саволларга «Ҳа» деб берилган жавоб ҳар қандай таом билан сизнинг кўнглингизни олиш мумкинлигини кўрсатади.

10-11. Таомлар, умуман овқатланишга соғлом муносабатда экансиз. Сиз овқатланишдан ҳузур қиласиз, иштаҳангизни назорат қилиб борасиз ёки ҳозирги замон парҳезчи тадқиқотчилар ишларидан хабардорсиз ёхуд туғма меъёр туйғуси сизда мавжуд.

0-9. Сиз соғлом овқатланишнинг аксарият қоидаларини инкор этарkансиз. Бундай вазиятда таом сизнинг дўстингиз эмас — душманингизга айланади.

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония парламенти вакиллар палатаси депутати Мунео Судзукини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи, мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида ўзаро фикр алмашилди.

◆ Миллий матбуот марказида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Марк Данзоннинг ОАВ ходимлари билан қизиқарли учрашув бўлиб ўтди.

◆ «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган экология шанбалиги кунида республика бўйича жами 200 миллион сўмлик ишлар бажарилди ва маҳсулот ишлаб чиқарилди.

◆ Жиззах вилоятида пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўғри миқдорда олинишини таъминлашга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Жорий йилнинг сентябрь ойида Бухорода буюк аллома Абу Али ибн Синонинг 1020 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади. Тантананинг асосий тадбирлари Бухоро шаҳрида бўлади, шунингдек ибн Сино туғилиб ўсган Пешку туманидаги Афшона қишлоғида етакчи хорижий ва ўзбек олимлари иштирокидаги халқаро анжуман бўлиб ўтади.

◆ Зангиота тумани ҳудудида жойлашган «Зангиота» санаторийсида журналист ва адиб Исмоил Сулаймоновнинг тарихий мавзуда ёзилган «Шаҳзода ва канизак» қиссаси асосида яратилган кўп қисмли видеофильм намойиш этилиб, унда асосий ролларда иштирок этган санъаткорлар билан учрашув уюштирилди.

◆ Мамлакатимизнинг IX миллий чемпионатида иштирок этувчи олий табақа жамоалари иккинчи давра ўйинларига жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Мамлакат чемпиони, биринчи давра пешқадами — вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси танаффус даврида Германиянинг Фрейберг шаҳрида ўтказилган тижорат турнирида муваффақиятли иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

◆ Япониянинг Осака шаҳрида бизнинг мамлакатимиз ҳам қатнашган XXIV халқаро кўргазма ўз ишини якунлади.

◆ **Кеча** Тожикистонда Давлат тили куни нишонланди.

◆ Филиппин жанубида жангарилар маҳаллий аҳоли бораётган юк машинасига қарата ўқ очдилар. Натижада 13 киши ҳаётдан кўз юмиб, 14 киши жароҳатланди.

◆ Токио прокуратураси Япониянинг собиқ қурилиш вазири Э. Накаони ҳибсга олди. У 30 миллион иендан ортиқ сумма миқдорида пора олганликда айбланмоқда.

◆ Япониянинг Окинава оролида жаҳоннинг 8 йирик давлатлари раҳбарларининг учрашуви ниҳоясига етди.

◆ **Кеча** АҚШ Президенти Б. Клинтон Окинавадан Кэмп-Дэвидга қайтиб келди.

◆ Бангкокда Жанубий-Шарқий Осиёнинг ўн мамлакати ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ўтмоқда.

◆ **Бугун** Исроил парламенти Президент лавозимига тавсия этилганлар рўйхатини кўриб чиқади.

◆ **Бугун** Бирмада уч йиллик танаффусдан сўнг университет ва коллежлар ўз эшикларини очади.

◆ **Кеча** Миср халқи миллий байрам — Мустақиллик кунини нишонланди.



*Ёз — ўтмоқда соз*

# БОЛАЖОНЛАР ЯЙРАШМОҚДА

Саховатли, тароватли ёз фаслининг гашти ўзгача. Тўкинсочинлик, пишиқчилик палласи. Айниқса, бу фаслда болажонларнинг қувончу шодликларини айтмайсизми? Айни кунларда улар ёзги таътилларини шаҳримизнинг сўлим гўшаларида, сув ҳавзаларида, тоғ бағирларида жойлашган болалар оромгоҳларида кўнгилли ҳордиқ чиқариб, мазза қилиб дам олиш билан ўтказмоқдалар.

Ана шундай сўлим оромгоҳлардан бири шаҳримизнинг Акмал Икромов туманида жойлашган «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли «Трамвайчи» болалар соғломлаштириш оромгоҳидир. Ушбу оромгоҳ ҳаёти, у ерда болажонларнинг қандай дам олаётганликлари билан танишиш мақсадида бу масканга ташриф буюрдик.

Оромгоҳга кириб борарканмиз кўм-кўк дарахтзор, соя-салқин, озода масканда дам олаётган болажонларнинг қувноқ ва шодон кулгуларини эшитиб, уларни кузатарканмиз айниқса, кўм-кўк, тиниқ сув билан тўлдирилган катта сув ҳавзасида улар мазза қилиб чўмилаётганларининг гувоҳи бўлдик. Сувда сузиш болалар учун энг севимли машғулот бўлса керак, албатта. Ўғил-қизларнинг қувончи чексиз. Сал нарида эса бир тўп болалар қизиқарли спорт ўйинлари билан машғул.

Оромгоҳнинг қачон ташкил топгани ва бу ердаги жўшқин ҳаёт, мавжуд шарт-шароитлар ҳақида оромгоҳ бошлиғи Лола Абдулазизова бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу болалар соғломлаштириш оромгоҳи ташкил топганига салкам қирқ йил бўляпти. Катта, дарахтзор майдонни эгаллаган бу маскан ҳар йили ёз фаслида болалар билан гавжум бўлади. Бу ерда дам олган ўғил-қизлар ҳар йили яна шу ерга келишни жуда хоҳлайдилар. Чунки бу маскандаги қулай шарт-шароитлар, айниқса ўтказиладиган турли қизиқарли тадбирлар, мусобақалар, шунингдек, уларга бериладиган беш маҳал овқатдан болалар доимо мамнун бўлиб кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар. 10 та бўлинма мавжуд бўлиб, ҳар бирида тажрибали, жонкуяр, меҳрибон тарбиячилар хизмат қилмоқдалар. Кун тартиби бўйича ҳар куни турли спорт мусобақалари, қизиқарли ўйинлар, суҳбатлар, концертлар, кўрик-танловлар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув кечалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бундай қувноқ учрашувлар, қизиқарли тадбирларда болалар ўзлари катта қизиқиш билан иштирок этадилар. Улар шунингдек, спортнинг кураш, сузиш, шахмат-шашка, бокс бўйича ўтказилаётган мусобақаларда ҳам мунтазам қатнашиб, ғолиблар муносиб совғалар билан тақдирланмоқда. Айниқса, болалар мавжуд душ хоналари ва катта сув ҳавзасида икки маҳал чўмилиб, яйрашмоқда.

«Соғлом танда—соғ ақл» деб бежиз айтмаган доноларимиз. Чунки ёз чилласида тоза сувда кўп чўмилиб, чиниққан бола қиш чилласида турли касалликларга чалинмайди. Шунинг учун болажонларнинг кўпроқ сувда бўлишларига, озодаликка жуда катта эътибор қаратганмиз.

Бундан ташқари оромгоҳда болалар учун цирк, қўғирчоқ театри томошалари, турли қизиқарли фильмлар тез-тез намойиш қилиб турилади. Шунингдек, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадрлаш мақсадида «Алпомишдек бўламиз», «Темурий авлодларимиз», «Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон!» сингари қизиқарли тадбирлар ўтказдик.

— Оромгоҳимизда болалар учун кутубхона, маънавият хонаси мавжуд, — дея суҳбатимизга қўшилди оромгоҳнинг етакчи услубчиси Ольга Сидоренко. — Яна шуни айтиш керак, болалар айниқса ҳайвонот олами билан жуда қизиқадилар. Шунинг учун «Биоэкосан» маркази томонидан «Жонли бурчак» ташкил қилинган. Унда қуён, бургут, каклик, илон, тустовуқ мавжуд. Болалар бу ҳайвонларни севиб томоша қиладилар.

Оромгоҳдаги озодалик, ҳар бир кунимизнинг қизиқарли, мазмунли ўтишида жонкуяр тарбиячилардан Дилбар Ибрагимова, Анетта Сазонова, Наргиза Муҳамедова, Севара Ниғмоноваларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Ҳа, бу сўлим маскандан қайтарканмиз, келажагимиз бўлмиш фарзандларимизнинг мустақил диёримизда доимо яйраб, қувнаб вояга етишларини, бахтли болаликларига кўз тегмаслигини, қувноқ кулгулари ҳамиша оламни тутишини чин дилдан ният қилдик.

**Дилором ИКРОМОВА.**

**СУРАТЛАРДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**




ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Телефон идораси ходими орқали телефон сўзлашуви учун буюртма бериш мақсадида қуйидаги рақамларни териш керак:**

**1-07 — Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистонга,**

**8+191 — Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжонга,**

**8+194 — Латвия, Литва, Эстонияни ҳам қўшган ҳолда узоқ хориж давлатларига**

**Шаҳарлараро ва халқаро алоқа бўйича маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 144-39-31, 144-39-32.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ «ЎЗКОММУНЎҚУВТАШКИЛОТИ» РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИК МАРКАЗИ ҚОШИДА**

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимлари учун доимий фаолият кўрсатувчи курслар очилган.

Машғулотлар гуруҳлар жамланганидан сўнг бошланади.

**Курсларга қуйидаги манзилга бориб ёзилиш мумкин: 700070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 1-боши берк кўча, 5-уй.**

**Маълумотлар учун телефонлар: 54-39-71, 55-62-36.**

Тери-таносил касалликлари бўйича олий даражали шифокор қабул қилади.

Аноним. Телефон: 186-03-30

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонларни ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**

**Факс: (3712) 133-29-09.**

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**


*Маслаҳатлар*

## МАЛИНА МУРАББОСИ

«Қиш ғамини ёзда е» ибораси халқимизда қадимдан такрорланиб келади. Ҳақиқатан, ҳозир айни пишиқчилик, ноз-неъматлар ғарқ пишиб етилган палла. Бу мавсумда албатта оқила аёлларимиз, сингилларимиз қиш ғамини еб, сархил мевалардан мураббою, шарбатлар тайёрлашга киришишган.

Биз ҳам қуйида баъзи мевалардан мураббо қандай тайёрланиши ҳақида маслаҳат бермоқчимиз.

Малинадан икки хил усулда мураббо тайёрлаш мумкин.

Биринчи усул: — икки килограмм янги малина аввал тозаланиб, сўнг сирли тоғорага солиб унга 2,5 килограмм шакар сепиб усти ёпиб, салқин жойга қўйилади. 3-4 соатдан сўнг газга қўйиб, паст оловда 15 минут қайнатилади. Ва оловдан олиб, 4-5 соат тиндирилади. Сўнг яна газга қўйиб 15 минут қайнатиб, устидаги кўпиги олинади ва стерилланган банкаларга солиб, усти темир қопқоқ билан ёпилади.

Иккинчи усул: — 2 килограмм малина аввал тозаланиб, сирли тоғорага солинади ва устига 2 килограмм шакар солиб ёғоч қошиқ билан яхшилаб аралаштирилади ва қуёш тушиб турадиган жойга 2-3 соат қўйилади. Ҳар 10-15 минутда қошиқ билан малина ва шакар яхши эригунча эзиб аралаштириб турилади. Шакари эригач, малина яхши ювилиб, офтобда қуритилган банкаларга солиб, усти оқ капрон қопқоқ билан ёпилади ва совутгич ё ертўлаларда сақланади.

Малина мураббоси қишда томоқ оғриганда, шамоллаш ва грипп касалликларида шифобахш дори ҳисобланади.

## ОЛХЎРИ МУРАББОСИ

Мураббо учун яхши пишган, бир хил катталикдаги олхўрилар олинади. Думчалари олиниб, совуқ сувда яхшилаб ювилади ва бир неча ерига ёғоч игна санчиб тайёр қиём устига солинади. 15-20 сўнг паст оловда қайнатилади. Юзидаги кўпиги олиниб, оловдан олиниб, 2-3 соат тиндириб қўйилади. Ва яна оловга қўйиб 20 минут қайнатилади. Тайёр бўлган мураббо иссиғида стерилланган банкаларга солиниб, усти темир қопқоқ билан ёпилади.

2 килограмм олхўри учун 2 килограмм шакар, 3-3,5 стакан сув керак бўлади.

**Гулором ҲАМИДОВА.**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-607. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 11.45 1 2 3 4 5 6